

«Ҳаж - 2026» мавсуми учун меҳмонхоналар танланмоқда



19:43 / 05.11.2025 1176

Саудия Арабистонида хизмат сафарига бўлиб турган Ўзбекистон делегацияси таркибига Президент маслаҳатчиси ўринбосари Музаффар Комилов, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари, Дин ишлари бўйича қўмита раиси Содикжон Тошбоев, шунингдек, Ҳаж ва умра бўйича атташе Шухрат Аморий каби соҳа масъуллари “Ҳаж-2026” мавсумида ҳамюртларимиз истиқомат қилиши кўзда тутилган меҳмонхоналарни атрафлича ўрганмоқдалар.

Шароит ва қулайликлар таҳлил қилинмоқда

Меҳмонхоналарни кўздан кечириш жараёнида биноларнинг умумий имкониятлари ва зиёратчилар учун яратилган қулайликлар синчиклаб ўрганилди. Жумладан:

- Фойеларнинг кенглиги ва ҳаракатланиш қулайлиги;
- Лифтлар сони ва кенглиги;
- Хоналардаги шароит, ўринлар сони ва жиҳозлар ҳолати;
- Ошхона сифими, тиббиёт ва ишчи гуруҳлари учун ажратилган хоналар — барчасига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳар бир хона — зиёратчи қулайлиги учун

Ўрганиш чоғида ҳар бир хонада юклар жойлаштириш ва ҳаракатланиш учун етарли жой мавжудлиги, ювиниш хоналари, кийим жавонлари, ёзув столи, телевизор, совутгич ва музлатгич, қибла кўрсаткичи, жойнамоз ва Қуръони карим билан таъминлангани, шунингдек, санитария ва гигиена талабларига тўлиқ риоя этилганига эътибор берилди.

Жойлашув қулайлиги ҳам баҳоланди

Меҳмонхоналарнинг Ҳарами шариф, Мино, Арафот каби ҳаж арконлари адо этиладиган муқаддас ҳудудларга яқинлиги ҳамда транспорт қатновининг қулайлиги делегация диққат марказида бўлди.

Ўрганиш жараёнида мутасаддилар томонидан Саудия Арабистони Ҳаж ва умра вазирлигининг ҳамкорлик талабларини инобатга олган ҳолда, ушбу тартиб-қоидаларга алоҳида эътибор қаратиш таъкидлаб ўтилди.

“Ҳаж - 2026” мавсумида ўзбекистонлик зиёратчиларнинг ҳузурланиб, хотиржам ибодат этишлари учун амалга оширилаётган тайёргарлик ишлари — Янги Ўзбекистонда “Инсон қадри — олий қадрият” тамойили ҳаётга изчил татбиқ этилаётганининг ёрқин ифодасидир.